



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"BMKB-AGROMASH" Aksiyadorlik jamiyatি**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'lq nomi)

**"BMKB-AGROMASH" AJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.06.1998

07-000835

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

200547555

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yashnobod tumani, S.MASHXADIY KO'CHASI, 210-UY,

Guvochnoma:

Toshkent shahri, Yashnobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'lq nomi):





## СВИДЕТЕЛЬСТВО

### О государственной регистрации юридического лица (субъекта предпринимательства)

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесена запись о создании:

**Акционерное общество "BMKB-AGROMASH"**

(Полное наименование юридического лица – субъекта предпринимательства с указанием организационно-правовой формы)

**АО "BMKB-AGROMASH"**

(Сокращенное наименование юридического лица)

04.06.1998

За регистрационным номером:

07-000835

(Число, месяц (прописью), год):

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

200547555

Организационно-правовая  
форма:

Акционерное общество

Местонахождение:

город Ташкент, Яшнободский район, S.MASHXADIY  
KO`CHASI, 210-UY,

Свидетельство выдано:

город Ташкент, Яшнободский район, ЦЕНТР  
ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

(Полное наименование регистрирующего органа):



4851132	Ta'sischi turi Yuridik shaxs	Ta'sischi STIRI 306565194	F.I.Sh. / Nomi "SPARKING CONSTRUCTION" MChJ	Miqdori 1 375 600 000.00	Ulushi 65.03 % %
	Yuridik shaxs	303815177	"OISHLOQ XOLALGI MASHINASOZLIGI KONSTRUKTORLIK-TEKNOLOGIK MARKAZI" MChJ	223 589 300.00	10.57 %
	Yuridik shaxs	200567372	"ECOPRODUCT" MChJ	231 064 600.00	10.92 %
	Ozgarishdan oldin	Ozganishdan keyin			
1	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektingin nomi 200547555, BMKB-AGROMASH	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektingin nomi Ozganisharsiz	Aksiyadorlar 200547555	Aksiyadorlar "AGROMONDIS.R.L."	173 036 000.00
2	THSh	THSh			112 147 600.00
3	Aksiyadorlik jamiyati Faoliyat yuritish manzili Toshkent shahri, Yashnobod tumani, S.MASHXADIY KO'CHASI, 210-UY,	Ozganisharsiz Faoliyat yuritish manzili Ozganisharsiz			5.30 %
4	IFUT Tabiiy fanlar va injeneriya sohasidagi boshqa tadqiqotlar va ishlannalar	IFUT Ozganisharsiz			100.00 %

Ustav fondi 2 115 437 500.00 UZS  
100.00 %

*Arifjonov*

Toshkent shahri, Yashnobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI  
Imzo : 74744 JILXOM MATYAKUBOV IBRAHIMOVICH

Ozgarishdan oldingi Tasischilar	Ta'sischi STIRI 200547555	F.I.Sh. / Nomi AKSIYADORLAR	Miqdori 667 437 500.00	Ulushi 100.00 %
Ozgarishdan keyingi Tasischilar	Ta'sischi STIRI F.I.Sh. / Nomi			
Ta'sischi turi Yuridik shaxs				

Ta'sischi turi Yuridik shaxs	Ta'sischi STIRI 306565194	F.I.Sh. / Nomi "SPARKING CONSTRUCTION" MChJ	Miqdori 1 375 600 000.00	Ulushi 65.03 % %
	Yuridik shaxs	303815177	"OISHLOQ XOLALGI MASHINASOZLIGI KONSTRUKTORLIK-TEKNOLOGIK MARKAZI" MChJ	223 589 300.00
	Ozganishdan oldin	Ozganishdan keyin		

“ВМКВ-AGROMASH”  
Акциядорлик Жамияти  
акциядорларининг навбатдан  
ташқари умумий мажлиси  
томонидан «ТАСДИҚЛАНГАН»  
“4 ” марта 2022 йилдаги Баённома  
Жўраев И.С.



**“BOSH MAXSUS KONSTRUKTOR  
BYUROSI – AGROMASH”  
("ВМКВ – AGROMASH")  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
УСТАВИ**

(ЯНГИ ТАХРИРДА)

Тошкент – 2022 й.

## I. Умумий қоидалар

1.1 Мазкур Устав “Акциядорлар жамияти ва акциядорлар хукукини ҳимоя қилиш ҳақида” 07.05.2014 й. № ЎРҚ-370 қонуни қоидаларига, қонунчиликнинг акциядорлар жамияти тўғрисида бошқа турдаги хужжатларига асосланиб, жамиятни бошқариш соҳасидаги муносабатларни, акциядорларнинг жамият фаолиятини ташкил қилишдаги катнашиш шакли ва услубларини, акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари ва акциядорларнинг ўзаро хукуқ ва мажбуриятларини, фойда олиш ва унга солик солиш принципларини, жамиятни қайта ташкил қилиш ва тугатишни ростлайди.

1.2 Устав акциядорлик жамиятини ташкил қилиш усулларини, унинг хукуқий ҳолатини белгилайди ва устав жамғармасининг миқдорини, жамиятнинг чиқариладиган акцияларининг сони, номинал нархи, турини (оддий, имтиёзли), уларни жойлаштириш тартиби, улар бўйича дивиденdlар тўлашни белгилайди.

1.3 Уставда акс эттирилмаган фаолият тартибини, хукуқ ва мажбуриятларни ўрнатувчи ҳолатлар, шунингдек жамиятни бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тамойили акциядорларнинг умумий йигилишида тасдиқланадиган жамият акциядорларининг умумий йигилиши, кузатув кенгashi, ижро этиш органи ва тафтиш комиссияси ҳақидаги қоидаларда белгилаб берилган.

1.4. Жамиятнинг тўла ва қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: «BOSH MAXSUS KONSTRUKTOR BYUROSI-AGROMASH» aksiyadorlik jamiyat;

Рус тилида: Акционерное общество «BOSH MAXSUS KONSTRUKTOR BYUROSI-AGROMASH»

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: «BMKB-AGROMASH» AJ.

Рус тилида: АО «BMKB-AGROMASH».

1.5. Бундан бўён матнда «Жамият» деб аталувчи «BMKB-AGROMASH» Акциядорлик Жамияти почта манзили ва жойлашган ери:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Султонали Машхадий кўчаси, 210, почта индекси: 100007.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили (E-Mail): [uzbmkb-agromash@mail.ru](mailto:uzbmkb-agromash@mail.ru). ва [info@agromash.uz](mailto:info@agromash.uz)

1.7. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.agromash.uz](http://www.agromash.uz)

1.8. Жамият давлат мулкини бошқариш хукуқига эга бўлган ваколатли органнинг қарори ва Давлат Мулки Кўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича Бошқармасининг 1994 йил 7 декабр кунидаги № 1129 сонли бўйруғи асосида давлат ташкилотидан акциядорлик жамиятига қайта ташкил қилинди.

1.9. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мulkka, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мulkka эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.10. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

1.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўндан ташкарида банк хисоб вараклари очишига ҳақлиdir.

1.12. Жамият ўзининг тўлиқ фирма номи кўрсатилган думалок мухрга эга бўлишга ҳақли ва жамият номи ёзилган штамплари ва бланкаларига, ўз тамғасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkazilgan товар белгисига ва бошқа фуқаролик, товар, меҳнат ва хизматлар обороти қатнашчиларини ташки идентификациялаш, таниб олиш воситаларига эга бўлишга ҳақли.

1.13. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мulk билан жавобгар бўлади.

1.14. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар киймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.15. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.16. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, ҳудди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.17. Жамият, кузатув кенгаши тасдиқлаган низом асосида фаолият юритадиган филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишига ҳақли.

1.18. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.19. Агар бошқа иштирок этувчи жамият хўжалик жамиятининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан ортиғига эга бўлса, хўжалик жамияти тобе деб эътироф этилади.

## **II. Фаолият предмети (асосий йўналишлари), мақсади ва муддатлари.**

2.1. Жамият фаолиятининг предмети илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, конструкторлик хужжатларини ишлаб чиқиш, намуналарни тайёрлаш, синовлар ўтказиш ва маҳсулотларни сертификатлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа техникаларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Жамиятни тузишдан мақсад даромад олиш мақсадида маҳсулотлар ва товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишидир.

2.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш (конструкторлик хужжатларини ишлаб чиқиш, маҳсулотларнинг намуналарини тайёрлаш, синовларни олиб бориш);
- қишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларни, шунингдек ностандарт жиҳозларни ишлаб чиқариш;
- лойиха, лойиха-технологик хужжатларни ишлаб чиқиш;
- техникага сервис хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш;
- ҳалқ истеъмоли молларини ва ишлаб чиқариш – техник мақсадлардаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, сотиш ва сервис хизмат кўрсатиши;
- юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиши;
- улгуржи савдо олиб бориши.

## **III. Устав фонд миқдори (устав капитали)**

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллый валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

Жамиятнинг устав фондининг ҳажми (устав капитали) жамиятнинг устави билан белгиланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

Жамият устав фондининг (устав капитали) минимал ҳажми лицензияли талабномаларда белгиланиши мумкин.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

3.4. Жамият Устав фондининг ҳажми 1 168 750 (бир миллион бир юз олтмиш сakkiz минг етти юз эллик) дона акцияларга бўлинган 2 115 437 500 (икки миллиард бир юз ўн беш миллион тўрут юз ўттиз етти минг беш юз) сўмни ташкил қиласди.

3.5. Киймати Устав фондининг 100 % ни ташкил қиласди 1 168 750 дона акцияларнинг эгалари жисмоний ва юридик шахслардир.

3.6. Кўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.7. Жамият Кузатув кенгаши эмиссия рисоласини ва қимматли қофозлар чиқариш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш қарорини қабул қиласди.

3.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

3.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муйян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

3.10. Жамият уставига жамиятнинг эълон қилинган акциялари ҳақида ушбу моддада назарда тутилган коидалар билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.11. Жамиятнинг Кузатув кенгаши азъолари томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

3.12. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўзкапитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

3.13. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

3.14. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор килган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.15. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фондининг (устав капиталининг) жамият уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

3.16. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.17. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.18. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қиласи. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

#### **IV.Жамият акциларининг сони, номинал қиймати (нархи), тури**

4.1. Жамият икки турдаги эгаси кўрсатилган акциялар: оддий акциялар ва имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли.

4.2. Жамият қонун хужжатларига ва ўз уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

4.3. Жамият томонидан ҳар бирининг номинал қиймати 1810 (бир минг саккиз юз ўн) сўмга тенг бўлган 368750 (уч юз олтмиш саккиз минг етти юз эллик)та оддий эгаси ёзилган акциялар чиқарилган.

4.4. Жамият ҳар бирининг номинал қиймати 1810 (бир минг саккиз юз ўн) сўм бўлган 9 200 000 дона жойлаштирилган оддий номи ёзилган эълон қилинган акцияларга кўшимча равишида акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.

4.5. Акциялар эгаси – мулкий ва бошқа хукукий асосида тегишли бўлган жисмоний ва юридик шахс ҳисобланади.

4.6. Бир турдаги акция унга эгалик килувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги хукукларни беради.

4.7. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар

бўйича овоз бериш ҳукуки билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тутатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳукукига эга.

4.8. Акцияларга бўлган ҳукуклар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварагига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварагидан кўчирма билан тасдиқланади.

4.9. Акция билан тасдиқланадиган ҳукуклар уларни олувчига ушбу қимматли қофозга бўлган ҳукуклар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

4.10. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳукукларни амалга ошириши жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

4.11. Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш Қимматли қофозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

4.12. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳакли.

4.13. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

4.14. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

## **V. Акцияларни жойлаштириш ва муомалада бўлиши тартиби**

5.1. Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қофозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.2. Жамиятнинг жойлаштирилмаган акциялари ва бошқа қимматли қофозлари 5.1.-моддасида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор килиниши керак.

5.3. Конун ҳужжатларининг қимматли қофозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласига тааллуқли қисми талабларини бузган ҳолда тузилган жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қофозларини жойлаштиришга ҳамда уларнинг муомаласига доир битимлар суднинг қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

5.4. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳакли.

5.6. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳакли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида ва жамият уставида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қофозларни жойлаштириш очик ёки ёпиқ усулдаги обуна воситасида амалга оширилиши мумкин.

5.8. Акцияларнинг очик обунаси факат қимматли қофозларнинг биржа\*бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

5.9. Конун ҳужжатларида акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қофозларнинг очик обуна воситасида жамият томонидан жойлаштирилиши шарт бўлган ҳоллар белгилаб қўйилиши мумкин.

5.10. Акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қофозларнинг чиқарилиши мазкур чиқарилиши тўхтатиб туришга олиб келган қоидабузарликлар эмитент томонидан бартараф этилмаган, шунингдек чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қофозларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади.

5.11. Акциялар ҳамда бошқа эмиссиявий қимматли қофозлар қимматли қофозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қофозлар умумий миқдорининг камидаги ўттиз фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

5.12. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташкари бозорига чиқариш) нархи жамият кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

5.13. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.14. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.15. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштиришда уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуклар (шу жумладан мулкий хукуклар) орқали амалга оширилади.

5.16. Кўшимча акцияларига ва бошқа турдаги қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.17. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўлананаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.18. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

5.19. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акцияларни сотиб олиш имтиёзли хукуқига эгадирлар.

5.20. Жамият акцияларнинг ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичida оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли хукукка эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамиятнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни таклиф этиши шарт.

5.21. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда кайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.22. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилиши керак.

5.23. Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари ва бошқа тўлов воситалари, мулк, хукуқ (жумладан мулкий хукуқ) билан амалга оширилади.

5.24. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

5.25. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

5.26. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни йириклиштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллукли тегишли ўзгартишлар киритилади.

5.27. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига

жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига таалукли тегишли ўзгартишлар киритилади.

5.28. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар улар:

жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклиш ҳакида;

2014 йил 7-майда қабул қилинган № ЗРУ-370 сонли “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш ҳакида”ги Қонуннинг 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ жамият томонидан мол-мulkни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлик йирик битим тузиш тўғрисида;

жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг хукукларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида.

5.29. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни баҳолашни ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш хукуки юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

## **VI. Чикарилаётган акцияларга дивидендлар тўлаш**

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

6.3. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукуқига эга.

6.4. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қўймалари билан тўланиши мумкин.

6.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.7. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги карори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

6.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.9. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги карорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.10. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфидаги қоладиган соф \*фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

6.11. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий мажлиси қарори билан белгиланади.

6.12. Дивидендларни тўлаш муддати дивидендларни тўлаш қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб олтмиш кундан кечик маслиги керак.

6.13. Эгаси ёки эгасининг қонуний хукуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

6.14. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

6.15. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

6.16. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиқкан ҳолда пеня ҳисобланади.

6.17. Жамият томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб килишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш жамият томонидан рад этилган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибида тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили кўлланилади.

6.18. Жамият:

жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлик тўлаб бўлингунинга қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул килишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

6.19. Ушбу уставнинг 6.18 бандида кўрсатилган холатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

6.20. Жамият дивидендларнинг микдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тўланадиган дивидендлар микдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қофозлар бозорини тартиба солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

6.21. Дивидендларга солик солиш солик тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солик солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

6.22. Жамиятда жамият уставида назарда тутилган, ammo унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган микдорда захира фонди ташкил этилади.

6.23. Жамиятнинг захира фонди жамият уставининг 6.22-бандида белгиланган микдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

6.24. Ҳар йилги ажратмаларнинг микдори жамият уставининг 6.22-бандида белгиланган соф сойда микдорига етгунга қадар жамият уставида кўзда тутилган соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

6.25. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

6.26. Жамиятнинг захира фондидан бошқа максадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

6.27. Жамият уставида бошқа фонdlарни ташкил этиш назарда тутилиши мумкин.

6.28. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аникланади.

6.29. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йигилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган микдоргача камайтириши шарт.

## VII. Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

### 7.1. Акциядорлар:

тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварагидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқарища иштирок этиш;

- Жамият бошқарув ва назоратчилик органига танланиши ва сайланиши мумкин;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукукларини химоя килиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб килиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш хукуқига эга.

7.2. Акциядорлар қонун хужжатларига ва жамиятнинг мазкур уставига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.3. Акциядор томонидан хукукларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг хукуклари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

7.4. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш хукуқидан маҳрум қilmайди.

7.5. Акциядорларнинг мажбуриятлари:

мазкур Устав талабларига риоя қилишлари, Жамиятнинг ижро органлари ваколатлари доирасидаги қарорларини бажаришлари лозим;

Жамиятнинг савдо-сотик ва хизмат доирасидаги маҳфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт;

Жамиятга нисбатан ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришлари керак;

Жамият ўз фаолиятини амалга оширишида ҳамжихатлик кўрсатиши керак;

7.6. Акциядор унинг акцияларига бўлган хукукини ҳисобга олиш хизматларини кўрсатувчи депозитарийга вақтида ўзи ҳақидаги маълумотларга киритилган ўзгаришлар ҳақида маълумот бериб туриши керак. Бундай маълумот берилмаган тақдирда, Марказий депозитарий ва хизмат кўрсатувчи депозитарий акциядорга бу ҳолат билан боғлиқ бўлган зарарга жавобгар бўлмайдилар.

### VIII. Жамиятни бошқариш тузилмаси

8.1. Жамиятни бошқариш органлари:

Акциядорларнинг умумий мажлиси;

Кузатув кенгаси;

Ижроий орган (Бош Директор)

### IX. Акциядорларнинг умумий йигилиши

9.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятни бошқарувчи олий орган ҳисобланади.

9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт.

9.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин ойдан кечиктирмай ўтказилади

9.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг қўзатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиниши, шунингдек акциядорларнинг умумий йигилишида жамиятнинг йиллик ҳисоботи, фойда ва зарарларни тақсимланиши, кузатув кенгашининг ҳисоботи ва тафтиш комиссиясининг уларнинг ваколат доирасига кирадиган саволлар бўйича хулосаси эшитилади ва бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

9.6. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаси томонидан белгиланади.

9.7. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

жамият уставига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг холосаларини эшитиш;

акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

қуйидаги ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш:

- битим тузиш қарори қабул қилинган сана пайтида битим предметининг баланс қиймати ёки сотиб олиш нархи жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан юқори бўлган мулк бўлса;

- битим бўйича жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан кўпроқ аффилланган (манфаатдор) аъзолари мавжуд бўлган тақдирда.

9.8. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.9. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгashi ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳак ва компенсациялар миқдёрларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

9.10. Акциядорларнинг умумий йигилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш хукуқига эга бўлади:

жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

қонунда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

9.11. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йигилишининг қарори, агар Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йигилишда иштирок этётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.12. Жамият уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставининг янги таҳририни тасдиқлаш;

жамиятни қайта тузиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш (тугатиш комиссиясини) ва оралиқ тугатиш баланси ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини аниглаш; кузатув кенгашининг ҳисботи ва тафтиш комиссиясининг уларнинг ваколатлари доирасига кирадиган, жумладан жамиятни бошқариш бўйича қонунчиликда белгилаб берилган талабларга риоя қилиш бўйича хulosасини тинглаш;

-жамият томонидан йирик битим тузиш қарори жамият кузатув кенгаши бир овоздан тасдиқланмай, кузатув кенгаши томонидан бу савол акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига қўйидаги қарорларни қабул қилишни қўйиши:

- йирик битим тузиш қарори қабул қилинган сана пайтида битим предметининг баланс қиймати ёки сотиб олиш нархи жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан юкори бўлган мулкни сотиб олиш;

- агар жамият кузатув кенгашининг бир ёки ундан кўп аъзоси аффилланган шахс бўлса, битимни маъқуллаш қарорини аффилланган шахс қабул қилиши;

акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамиятнинг уставида ёки жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “акциядорларнинг умумий йиғилиши” низоми билан белгилаб қўйилади.

9.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгаришлар киритишга ҳақли эмас.

9.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

9.16. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

9.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларга электрон почта оркали акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун аввал юборилади, шунингдек Корпоратив ахборотларнинг ягона портала, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

9.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзgartиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

9.19. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 5 мартача акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.20. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгаришлар киритишга ҳақли.

9.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

9.22. Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатиётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

9.23. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу устав 9.20 банди белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида карор қабул қилиши шарт.

Ушбу уставнинг 9.21. бандига мувофик акциядорлар томонидан, жамиятнинг кузатув кенгаши, тавтиш комиссиясиганомзодлар рўйхатига узгартиришлар киритилган холданомзодларруйхатига узгартиришлар киритилгансанадан бошлаб, икки кун ичida карор қабул қилиниши керак.

9.24. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) карор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

9.25. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

9.26. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.27. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

9.28. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йигилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

9.29. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

9.30. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида ёки йигилишини чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

9.31. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йигилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йигилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

9.32. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

9.33. Жамият кузатув кенгаши ушбу уставнинг 9.31. бандида белгиланган муддат ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай холларда акциядорларнинг умумий йигилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблаглари хисобидан қопланиши мумкин.

9.34. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма бир кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

9.35. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

9.36. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак.

9.37. Саноқ комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, жамият директори, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

9.38. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

9.39. Жисмоний шахс номидан овоз бериш ишончномаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади (агар муҳр мавжуд бўлса).

9.40. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

9.41. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такорий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такорий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзgartаришга йўл кўйилмайди.

9.42. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чакирилган такорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

9.43. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам мuddатга кўчирилган тақдирда, умумий йигилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йигилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аникланади.

9.44. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.45. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

9.46. Овоз бериш умумий йигилиш олиб борилиши давомида ўтказилиб, овоз бериш якунлари акциядорларнинг умумий йигилишида эълон қилинади, ҳамда акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан сўнг акциядорлар эътиборига эмитентнинг юкори бошқарув органининг овоз бериш якунлари бўйича қарорлари ҳисоботи чоп этилиш йўли билан ҳавола қилинади.

9.47. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

9.48. Акциядорларнинг умумий йигилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йигилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамиятнинг уставида ёки жамиятнинг акциядорлар умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йигилиши” низомида белгилаб қўйилади.

9.49. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

## X. Жамиятнинг Кузатув кенгashi

10.1. Жамиятнинг кузатув кенгashi жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу жамият устави билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

10.2. Кузатув кенгashi ҳар йили қайта сайланадиган 5 та аъзодан ташкил топган.

10.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:  
жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан акциядорлар йиғилиши йиғилиши чакирилишини талаб қилганшаслар шалабига кўра чакирилиш ҳоллари мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳакида хабар килиш учун жамият акциядорларининг реестрини ва умумий йиғилишида қатнашиш хукуқига эга бўлган акциядорлар реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилишига жамият уставига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставининг янги таҳририни тасдиқлаш ҳақидаги саволларни киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлашни ташкил этиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

жамиятнинг келгуси йилга бизнес-режасини жорий йилнинг 1-декабригача кузатув кенгашининг йиғилишида маъқуллаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эрkin фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувани ўтказиши тўғрисида (мажбурий аудиторлик текширувидан ташкири), аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиши ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 7-майда қабул қилинган № ЗРУ-370 сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш» Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлик ўзgartиши ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

эмиссия рисоласини ва қимматли қоғозлар чиқариш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш арорини қабул қилиш;

қимматли қоғозларни ким ошди савдосини ташкил қилиш майдончаларида ҳосил бўлган нархлар конъектурасидан келиб чиқиб, акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамиятни корпоратив облигацияларни чиқариш ҳақидаги қарорини, жумладан акцияларга айрбошланадиган облигацияларини чиқариш қарорини қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

Жамият Бош директорини тайинлаш ва унинг ваколатини муддатидан илгари тўхтатиши;

Бошқарув раисини тайинлаш танлов асосида хорижий менеджерлар иштироки билан амалга оширилади;

жамиятнинг ижроий органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

10.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчилик ва жамиятнинг ушбу уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

10.5. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.6. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу жамият уставида назарда тутилган тартибида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатта сайланади.

10.7. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин.

10.8. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори жамиятнинг кузатув кенгашига сайланishi мумкин эмас.

10.9. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.10. Акциялари фонд биржасининг котировал биржа варагига киритилган жамиятнинг кузатув кенгashi таркибida ҳар йили қайta сайланishi мумкин бўлган камида битта муҳтор аъзо бўлиши керак. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмаси улуши кўпроқ бўлган жамиятда кузатув кенгашига аъзоликка номзодини танлаш ва муҳтор аъзога овоз бериш давлат вакиллари ва (ёки) хўжалик бирлашмалари вакиллари томонидан амалга оширилади.

10.11. Кузатув кенгашининг муҳтор аъзоси сифатида қуидаги шахслар тан олинади:

охирги уч йил давомида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахси сифатида ишламаган шахс;

жамият акциядори ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларининг таъсисчиси (акциядори, қатнашчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчisi ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахси билан фуқаролик-хукуқий муносабатларга эга бўлмаган шахс. Бунда йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи сифатида икки минг баробар юқори бўлган энг кам ойлик иш хақи суммасига тенг бўлган амалдаги шартномага эга бўлган шахслар тан олинади;

жамият ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахслари билан ҳеч қандай келишувларга эга бўлмаган шахслар, кузатув кенгашининг вазифалари ва функцияларини бажаришни таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар бундан истисно;

охирги уч йил давомида ёки ҳозирда жамият бошқарув органи ва ички назорат органи ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларининг турмуш ўртоғи (рафиқаси), ота-онаси (ўғил қилиб боқиб олган, киз қилиб боқиб олган), фарзанди (ўғил қилиб боқиб олинган, қиз қилиб боқиб олинган), қондош ёки ўгай акаси (укаси) ёки опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқарув органи ёки давлат корхонаси ходими бўлмаган шахс;

10.12. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб хисобланади.

10.13. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенgashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан ушбу кенgashi таркиbidan кузатув кенgashi аъзолари томонидан сайланади.

10.14. Жамият кузатув кенgashi таркиbidi ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласи.

10.15. Жамият кузатув кенgashi таркиbidi ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласi.

10.16. Жамият кузатув кенgashi таркиbidi ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласi.

10.17. Жамият кузатув кенgashi таркиbidi ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласi.

10.18. Кузатув кенgashi таркиbidi ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласi.

-жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жами камида 1 фоизига эга бўлган акциядорлар;

-кузатув кенgashi таркиbidi ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласi.

10.19. Жамият кузатув кенгашининг мажлисими ўтказиш учун кворум жамият уставида белгиланади, бироқ у жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.20. Жамият кузатув кенгashi аъзоларнинг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш ўчун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вактинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

10.22. Жамият кузатув кенгashi аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган масалалар:

- устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақида;

- устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига ўзгартириш киритиш ҳақида;

- аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъкуллаш ҳақида;

- акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилиши;

10.23. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

10.24. Жамият уставида жамият кузатув кенгashi аъзоларнинг овозлари teng бўлган тақдирда кузатув кенгashi томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгashi раисининг ҳал қилувчи овоз хуқуки назарда тутилиши мумкин.

10.25. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенgashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

10.26. Жамият кузатув кенgashi мажлисининг баённомаси мажлиса иштирок этаётган жамият кузатув кенgashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

10.27. Жамият кузатув кенgashi карорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенgashi барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

10.28. Жамият кузатув кенgashi мажлиsinинг баённомаси имзолangan куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенgashi акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақdирda мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенgashi мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

10.29. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенgashi аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенgashi аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

10.30. Жамиятнинг кузатув кенgashi аъзолари таркибидан энг муҳим саволларни кўриб чиқиши ва кузатув кенgashi тавсиялар тайёрлаш учун қўмиталар тузилиши мумкин.

10.31. Акциялари биржа фондининг котировал биржа варагига киритилган жамият факатгина мазкур жамиятнинг кузатув кенgashi аъзоларидан тузилган аудит бўйича қўмита тузиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятига кўра, агар мавжуд бўлса, аудит бўйича қўмитага хисобдордир.

10.32. Қўмиталарни шакллантириш ва ишлаш тартиби, уларнинг сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенgashi низоми билан ўрнатилади.

10.33. Кузатув кенgashi мазкур уставда акс эттирилмаган саволлар бўйича фаолияти тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Кузатув кенgashi ҳақида”ги низом билан белгиланади.

## XI. Жамиятнинг ижроия органи

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг мазкур устави ва “Жамиятнинг ижроия органи ҳақидаги Низом» билан белгиланадиган Бош директори томонидан амалга оширилади.

11.2 Жамият Бош директори кузатув кенгаши томонидан ишга тайинланади.

11.3. Жамиятнинг ижроия органини тузиш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш жамиятнинг кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади. Кузатув кенгашининг қарорига мувоғик Бош директорини тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

11.4. Жамият Бош директорининг хукуқ ва мажбуриятлари жамиятнинг мазкур устави ва директорнинг жамият билан бир йил муддатга тузилиб, ҳар йили амал қилиниш муддатини чўзиш ёки тўхтатиш қарори қабул қилинадиган шартнома билан белгиланади.

11.5. Шартнома жамият номидан кузатув кенгаши раиси ёки жамият кузатув кенгаши томонидан ваколатланган шахс томонидан имзоланади. Жамият ва Бош директор томонидан тузиладиган шартномада жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича уларнинг мажбуриятлари ва уларнинг жамиятнинг кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий мажлисига тақдим қилинадиган жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бўйича ҳисоботларининг даврийлиги кўзда тутилган бўлиши керак.

11.6. Жамият Бош директори ваколатига жамиятнинг жорий фаолиятига тегишли барча саволлар киради, акциядорларнинг умумий йигилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатига кирадиган саволлар бундан мустаснодир.

11.7. Жамият Бош директори акциядорларнинг умумий мажлиси ва кузатув кенгаши қарорларини бажарилишини ташкил қиласи, жамиятни бошқариш бўйича маъмурий – бошқарув фаолиятини амалга оширади, ички тартиб қоидаларини белгилаб, тасдиқлади, жамиятни кадрлар билан таъминлашга жавоб беради.

11.8. Жамият Бош директори жамият номидан ишончномасиз иш олиб боришга ҳақлидир, жумладан жамият манфаатларини ифодалашга, банкларда ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа турдаги рақамларни очишга, шартнома ва контрактлар, жумладан меҳнат шартномаларини тузишга, жамият номидан битимлар тузишга, шульба корхона ёки жамият ваколатхоналарига бошқарувчиларни тайинлашга, штатларни тасдиқлашга, жамият ходимларининг барчаси учун бажарилиши мажбурий бўлган бўйруклар ва фармойишлар беришга, жамият номидан судда ваколат беришга, ишончномалар беришга, кириш-чиқиш хатларини юритишга, жамият ходимларидан Жамиятда амал қилинадиган қоида ва низомлар ва меҳнат шартномаси талабларини бажарышларини талаб қилишга ҳақлидир.

11.9. Бош директор ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқаришга, жамият акциядорлари ва Жамият кузатув кенгаши қарорларини бажарилишини ташкил қилиши, Жамиятни ривожлантириш дастур ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиши бошқариш, жамият кузатув кенгаши йиллик бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳар кварталда ҳисобот бериб бориши, фойда олишни таъминлаши, Жамият фаолиятида қонунчиликка риоя қилишни таъминлаши, шартномавий мажбуриятларни бажарishi, меҳнат ва технологик интизомга риоя қилишни текшириш, жамият ходимларининг ижтимоий кафолат ва меҳнат мухофазасига риоя қилишларини таъминлаш, Жамиятда бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳисоб-китобларининг ҳаққонийлиги ва зарур ҳолатда бўлишларини таъминлаши, шунингдек жамиятда ходимлари учун ижтимоий кафолат ва меҳнатни мухофаза қилиш талабларига риоя қилинишини назорат қилиши лозим.

11.10. Бош директорга тўланадиган меҳнат ҳақи микдори жамият фаолиятининг самарадорлиги билан бевосита боғланган бўлиб, шартнома билан белгиланиши лозим.

11.11. Жамият Бош директори вазифасини бошқа ташкилотлардаги бошқарув лавозимларини биргалиқда эгаллаб туриши фақат жамиятнинг кузатув кенгаши розилигига кўра йўл қўйилади.

11.12. Кузатув кенгаши жамият Бош директори билан тузилган шартномани директор томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда бекор қилиши мумкин.

11.13. Агар Бош жамият директори жамият уставини кўпол равишида бузган ҳолларида ёки ўз харакатлари (лаёқатсизлиги) билан жамиятга зарар келтирса, жамиятнинг кузатув кенгаши жамият директори билан тузилган шартномани муддатидан илгари бекор қилишга ҳақлидир.

## **XII. Жамият кузатув кенгаши ва директорининг маъсулияти**

12.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият Бош директори ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

12.2. Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

12.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

12.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, Бош директори устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

12.5. Жамият Кузатув кенгашининг, Бош директорининг ваколатлари суд қарорига кўра тўхтатилади, агар суд уни жамиятга мулкий зарар етказишда айбор деб топса, камида бир йил давомида хўжалик жамиятларда раҳбарлик лавозимларида ишлаши ман қилинади.

12.6. Агар Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси, Бош директори, шунингдек ишончли бошқарувчиси янглиширадиган, ёки аффилланган шахслар ёки уларнинг аффилланган шаслари билан уларнинг фойда олишлари мақсадида битим тузиш учун ва (ёки) йирик битим тузиш қарорини қабул қилишда атайлаб хато қилишлари учун тақдим қилган маълумотлар ёки таклифлар натижасида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси, Бош директори, шунингдек ишончли бошқарувчиси жамиятга етказган зарари учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

## **XIII. Жамиятнинг миноритар акциядорлари қўмитаси**

13.1. Миноритар акциядорларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

13.2. Миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколатига қўйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлик мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун хужжатларига ва жамиятнинг мазкур уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

## **XIV. Тафтиш комиссия**

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга Зта аъзо таркибида тафтиш комиссияси сайланади.

14.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдикланадиган «Тафтиш комиссияси ҳақида»ги низом билан белгиланади.

14.3. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.4. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонунчилик ва жамиятнинг мазкур устави билан белгиланади.

14.6. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- жамиятнинг тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамиятнинг бошқарув органида лавозим эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида хужжатларни тақдим этишлари лозим;

- тафтиш натижасида жамиятнинг бошқарув органлари ваколатларига тегишли бўлган ва хал қилинишни талаб қиладиган хўжалик-ишлаб чиқариш, молиявий, хукукий фаолият натижасида жамият манфаатларига зарар келтирадиган ҳолатлар аниқланганида ваколатли шахслардан Кузатув кенгаши йиғилишини, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилиш;

- жамият ходимлари, жумладан барча мансабдор шахсларидан тафтиш комиссияси ваколатида бўлган саволлар бўйича шахсан тушунтириш беришларини талаб қилиш;

- жамият бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдига Жамият ходимлари, жумладан мансабдор шахслар, агар улар Устав, низом, қоида ва йўриқномаларни бузган ҳолларида жавобгар бўлишлари хақида савол кўйишга ҳаклиdir.

14.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

14.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хulosса тузади, бу хulosада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.9. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 14.8 бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хulosса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.10. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиши тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

## XV. Жамиятнинг ички аудит хизмати

15.1. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилиши мумкин. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

15.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

15.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

## XVI. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тутатиши.

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

16.2. Қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни кўшиб юбориш, кўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш факат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

16.3. Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тутатилаётган жамият қимматли қофозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан,

шунингдек у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

16.4. Жамиятнинг тугатилиши хукуқ ва мажбуриятларни хукуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

16.5. Жамият ихтиёрий равища тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаси жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан бўён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

16.6. Ихтиёрий равища тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йигилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳакида қарор қабул қиласи.

16.7. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш конун хужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

16.8. Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

16.9. Давлат тугатилаётган жамиятнинг акциядори бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибида давлат мулкини тасаррuf этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

16.10. Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳакида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида конун хужжатларида белгиланган тартибида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

16.11. Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мulkни тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамияти ва акциядорлар хукукларини ҳимоя қилиши» Конунига мувофиқ акциядорларнинг талабларига кўрақайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва жамият уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

учинчи навбатда тугатилаётган жамиятнинг мол-мulkini оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

16.12. Мол-мulkни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мulk тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

16.13. Агар жамиятдаги мавжуд мол-мulk ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва жамият уставида белгиланган тугатиш қийматини имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мulk имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равища тақсимланади.

16.14. Мол-мulkни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини жамият хорижий валютага айирбошлаб бериши шарт.

16.15. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

16.16. Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни факат жамиятнинг қимматли қофозлари чиқаришилари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

## XVII. Келишмовчиликларни ҳал қилиш

17.1. Акциядорлик жамиятларининг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорлар хукукларини ҳимоя қилиш қонунчиликда ўрнатилган тартибида кўра ҳал қилинади.